Адл ила олам юзин обод қил!

Куч – адолатда

2026 йил
6 ноябрь,
жума
№ 44
(1130)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.kuch-adolatda.sud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ОСТОНА ШАҲРИГА КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 5 ноябрь куни Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев ҳамда Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи Абдулла II таклифига биноан амалий ташриф билан Остона шаҳрига келди.

Аэропортда мамлакатимиз етакчисини Қозоғистон Республикаси Бош вазири Олжас Бектенов ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

6 ноябрь куни Президентимиз сунъий интеллект соҳасида хавфсизликни таъминлаш, унинг террористик ва экстремистик мақсадларда ишлатилиши билан курашиш ҳамда янги технологик хатар ва таҳдидларга қарши туришда халқаро ва минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалаларига бағишланган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Ақаба жараёни доирасидаги учрашувида иштирок этади.

ЎзА

ТОҒ-КОН САНОАТИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ КЕНГАЙТИРИШ ВА ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ РЕЖАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев “Навоийуран” корхонаси ва “Ўзбекистон технологик металлар комбинати” акциядорлик жамиятининг 2026 йилдаги устувор вазифалари ҳамда келгуси режалари юзасидан тақдимот билан танишди.

Бугунги кунда жаҳонда муҳим минераллар ва металларга талаб жадал ўсиб бормоқда. Хусусан, анъанавий металларга талаб йилига ўртача 1 фоизга ўсаётган бўлса, критик минераллар бозорида бу кўрсаткич 10 фоизни ташкил этмоқда. Шунга мос равишда мамлакатимизда ҳам мавжуд минерал-хомашё базасидан самарали фойдаланиш, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини ошириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Тақдимотда дастлаб “Ўзбекистон технологик металлар комбинати” фаолияти ва уни ривожлантириш режалари кўриб чиқилди.

Комбинатда геология-қидирувдан тортиб, қазиб олиш, бойитиш, чуқур қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган тўлиқ технологик занжирни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жорий йил якунига қадар 12 та инвестиция лойиҳасини ишга тушириш, маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар турини кўпайтириш, юқори софликдаги селен ва теллур ишлаб чиқаришни кенгайтириш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари муҳим минераллар бўйича истиқболли лойиҳаларни тезлаштириб, мавжуд 5 турдаги маҳсулотга (вольфрам, молибден, селен, теллур, рений) қўшимча равишда яна 11 турдаги маҳсулот (никель, кобальт, графит, сурма, қалай, марганец, платина, ванадий, симоб ва мис) ишлаб чиқаришни ўзлаштириш вазифасини қўйди. Шунингдек, соҳага илм-фан ютуқларини кенг жалб этиб, қўшимча минерал захираларни аниқлаш муҳимлиги таъкидланди.

Режага кўра, 2030 йилгача 16 турдаги муҳим металлар бўйича ишлаб чиқариш ҳажмини 2,7 миллиард доллардан ошириш кўзда тутилмоқда.

Айниқса, вольфрамни чуқур қайта ишлаш бўйича йирик лойиҳалар ишлаб чиқилган. Уларни амалга ошириш учун 1,1 миллиард доллар инвестиция жалб қилиш, 2030 йилга бориб, ушбу йўналишда ишлаб чиқариш ҳажмини қарийб 2,2 миллиард долларга етказиш мўлжалланган.

Шунингдек, ноёб ва камёб ер элементларига бой истиқболли майдонларни ўзлаштириш, комбинатнинг ресурс базасини кенгайтириш ва инвестиция лойиҳаларини жадаллаштириш юзасидан таклифлар кўриб чиқилди.

(Давоми 2-бетда) ▶



Тўловга қобилиятсизлик ИНСТИТУТИ:

ҚОНУН, СУД НАЗОРАТИ ВА ЯГОНА СУД АМАЛИЁТИ

Бозор иқтисодиётида тадбиркорлик субъектларининг молиявий қийинчиликларга дуч келиши табиий жараёндир. Бироқ улар ўз вақтида ва тўғри ҳуқуқий ҳал этилмаса, корхона билан бирга кредиторлар, ходимлар, ҳамкорлар ва иқтисодий муомала барқарорлигига ҳам салбий таъсир кўрсатади.



Фозилжон ОТАХОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси лойиҳа раҳбари, юридик фанлар доктори

Шу боис тўловга қобилиятсизлик институти қарздорни тугатиш билангина чекланмай, иқтисодий ресурсларни асраш, кредиторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва имкони бўлганда корхона тўлов қобилиятини тиклашга хизмат қилувчи комплекс ҳуқуқий механизмдир.

2022 йил 12 апрелда қабул қилинган «Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида»ги қонун ушбу муносабатларни тартибга солувчи асосий ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади.

(Давоми 3-бетда) ▶

Қонунчиликдаги янгиликлар

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида якка тартибдаги тадбиркорларнинг лизинг хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, интеллектуал мулкни ҳуқуқий муҳофаза ва ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, тадбиркорлик субъектларини янада қўллаб-қувватлаш, миграция соҳасида давлат хизматлари кўрсатиш самарадорлигини оширишга қаратилган қонун лойиҳалари, шунингдек, парламент назорати фаолиятига доир масалалар муҳокама қилинди.

Парламент фаолияти



Якка тартибдаги тадбиркорлар учун лизинг имкониятлари кенгайтирилади

Мажлисда дастлаб якка тартибдаги тадбиркорларнинг лизинг хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Ушбу ҳужжат билан қонунчиликка якка тартибдаги тадбиркорларнинг лизинг олиш имкониятларини кенгайтириш, лизинг муносабатларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

(Давоми 2-бетда) ▶

Шарҳ

Низосиз тадбиркорлик

ёки шартнома тузишда нималарга эътибор бериш керак?

Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида шартнома фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи асосий воситалардан бири ҳисобланади.



Амалдаги Фуқаролик кодексига мувофиқ, шартнома — бу икки ёки ундан ортиқ шахслар ўртасида фуқаролик ҳуқуқи ва мажбуриятларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишувдир.

Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, шартномавий низолар кўп ҳолларда шартнома тузиш жараёнидаги хатолар, ҳуқуқий саводхонлик етарли эмаслиги ёки тарафлар ўртасида аниқ келишув бўлмаганлиги сабабли юзага келади.

Энг аввало, шартномавий низоларнинг олдини олиш учун шартнома мазмунига жиддий эътибор қаратиш лозим. Фуқаролик кодексининг тегишли моддаларида белгиланганидек, шартнома шартлари аниқ, тушунарли ва ҳуқуқий жиҳатдан асосланган бўлиши шарт. Агар шартнома ноаниқ иборалар билан тузилса, бу келгусида турли хил талқинларга сабаб бўлади ва низо келиб чиқиши эҳтимолини оширади.

Шунингдек, шартномада унинг муҳим шартлари, албатта кўрсатилиши лозим. Жумладан, шартнома предмети, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, нарх, тўлов тартиби, бажариш муддатлари ва жавобгарлик чоралари аниқ белгилаб қўйилиши керак. Фуқаролик кодексида айрим турдаги шартномалар учун алоҳида муҳим шартлар ҳам белгиланган бўлиб, улар кўрсатилмаган тақдирда, шартнома ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин.

Яна бир муҳим жиҳат — шартноманинг шаклидир. Қонунчиликка кўра, айрим шартномалар ёзма шаклда тузилиши шарт. Масалан, кўчмас мулк билан боғлиқ битимлар, йирик миқдордаги келишувлар, албатта, ёзма шаклда расмийлаштирилиши лозим.

Ёзма шаклга риоя этилмаслиги низо келиб чиққанда далиллар етишмаслигига сабаб бўлади.

(Давоми 2-бетда) ▶

Мутолаа эҳтиёжи

Адолатни англаш учун тафаккур ҳам юксалмоғи керак



Баъзан бир китоб инсонга ўнлаб суҳбатлар бера олмаган фикрни бериши мумкин. Гоҳида эса, биргина асардаги қаҳрамон тақдири бутун бошли ҳаёт ҳақида ўйлашга мажбур этади. Судья учун бундай мутолаанинг қадри янада баланд. Чунки у ҳар куни инсон тақдирлари билан юзма-юз келади...

Суд биносидаги одатий иш куни кўпинча бир-бирига ўхшаш манзара билан бошланади. Ҳали йўлакларда одамлар гавжумлашмаган, суд мажлислари залида суткунат ҳукм сураётган дамлардаёқ кун тартиби, кўриб чиқилиши лозим бўлган ишлар, ҳужжатлар ва масъулиятли вазифалар ҳақида ўйлай бошлайсан. Кун давомида эса, ҳар бир иш ўзининг алоҳида тарихи, дарди ва ҳақиқатини намоён эта бошлайди.

Жадид боболаримизнинг маърифат йўлидаги жасорати, илмни миллат озодлиги ва тараққиётининг асосий шарти деб билгани бугун ҳам ўқувчини бефарқ қолдирмайди.

Бир қарашда, судьянинг иши қонун моддаларини билиш, далилларни ўрганиш ва қарор қабул қилишдан иборатдек туюлади. Бу меҳнат замирида инсонни англаш, унинг хатти-ҳаракатлари сабабларини таҳлил қилиш, ҳаётий вазиятларнинг моҳиятига етиб бориш-дек мураккаб жараёнлар мужассам. Ахир, суд ҳужжатларида акс этган ҳар бир рақам, ҳар бир жумланинг ортида инсон тақдири бор. Айни вазиятда шундай масъулиятли фаолият билан банд бўлган инсон учун мутолаа шунчаки ҳордиқ чиқариш эмас, балки руҳий ва интеллектуал эҳтиёждир.

(Давоми 4-бетда) ▶



● Қонун кўмаги

Оилавий низолар ва бола тақдири:

Суд ҳал қилув қарорларида нималарга эътибор қаратилади?

Болалик — инсоннинг жисмоний, руҳий, интеллектуал ва ижтимоий ривожланишининг ҳал қилувчи палласидир. Ушбу даврда боланинг хавфсиз муҳитда яшаши, меҳр ва ғамхўрлик билан тарбияланиши, ўз фикрини эркин ифодалаши ҳамда шаъни ва қадр-қимматининг ҳурмат қилиниши унинг камолотида муҳим ўрин тутади. Бинобарин, болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш нафақат оиланинг, балки давлат, таълим муассасалари ва бутун жамиятнинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ҳаётда “зўравонликсиз болалик” тушунчаси мавжуд. Бу — фақат болага нисбатан жисмоний куч ишлатмаслик, дегани эмас. У руҳий босим, таҳқирлаш, қўрқитиш, жинсий зўравонлик, бепарволик, эксплуатация ва боланинг ривожланишига зарар етказадиган бошқа муносабатлардан ҳимояланган муҳитни ҳам қамраб олади.

Бундай ёндашув болани катталарнинг мутлақ назорати остидаги объект сифатида эмас, балки мустақил ҳуқуқ ва қонуний манфаатларга эга шахс сифатида эътироф этишни талаб қилади.

Конституциямизнинг 78-моддасида **“Боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш, унинг жисмоний, ақлий ва маданий жиҳатдан тўлақонли ривожланиши учун энг яхши шарт-шароитларни яратиш давлатнинг мажбуриятидир”**, дея қайд этилган. Мазкур конституциявий қоида болаларни ҳимоя қилиш сиёсатининг ҳуқуқий асосини ташкил этади.

(Давоми 3-бетда) ▶

Парламент фаолияти

Қонунчиликдаги янгиликлар

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Қонун лойиҳасида лизинг объектини ҳисобга олиш тартибини такомиллаштириш, бунда лизинг объекти лизинг олувчининг балансида ҳисобга олиниши ўз ифодасини топмоқда. Лизинг олувчи якка тартибдаги тадбиркор бўлган ҳолларда эса, лизинг объекти лизинг берувчининг балансида ҳисобга олиниши белгилаб қўйилмоқда.

Бу эса, тадбиркорларда бухгалтерия баланси мавжуд эмас, деган важ орқали лизинг хизматларидан фойдаланиш билан боғлиқ чекловни бартараф этишга хизмат қилади. Натижада якка тартибдаги тадбиркорлар учун лизинг хизматларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий механизми яратилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси учинчи ўқишда қабул қилинди ва Сенатга юборилди.



Патентлар учун давлат божини олдиндан тўлаш имконияти яратилмоқда

Депутатлар интеллектуал мулкни ҳуқуқий муҳофаза ва ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда муҳокама қилдилар.

Қонун лойиҳаси билан хизмат вазифаларини бажариш жараёнида ходим томонидан яратилган асарлар ёки дастурий маҳсулотга бўлган мулкий ҳуқуқларни тартибга солишда томонларнинг шартномавий эркинлиги таъминланмоқда. Хусусан, хизмат асарларига оид мулкий ҳуқуқларнинг ўн йилдан кейин автоматик равишда муаллифга ўтиши ҳақидаги норма бекор қилиниб, мазкур муносабатларни шартнома асосида белгилаш назарда тутилмоқда.

Ҳужжатда интеллектуал мулк объектлари бўйича давлат экспертизаси қарорларидан норози бўлган шахсларга Апелляция кенгаши билан бир қаторда бевосита судга мурожаат қилиш ҳуқуқи берилмоқда. Бу фуқаролар ва тадбиркорларнинг суд орқали ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш имкониятини кенгайтиришга хизмат қилади.

Қонун лойиҳаси билан ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси ва селекция ютуқларига оид патентларнинг амал қилишини сақлаб қолиш учун давлат божини олдиндан тўлаш имконияти ҳам яратилмоқда. Бу ҳуқуқ эгалари учун қўшимча қулайликлар яратиш ҳамда интеллектуал мулк объектларидан самарали фойдаланишни таъминлашга имкон беради.

Шу мақсадда қонун лойиҳаси билан Фуқаролик кодекси, **“Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”**ги, **“Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”**ги, **“Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”**ги ва бошқа қонунларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Қонун лойиҳаси учинчи ўқишда қабул қилиниб, Сенатга юборилди.

Чет эл фуқароларининг Ўзбекистонда қонуний меҳнат фаолиятини амалга ошириш тартиби такомиллаштирилмоқда

“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига миграция ва персоналлаштириш бўлинмалари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳаси билан чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш муддатлари аниқлаштирилмоқда. Хусусан, амалдаги қонунчиликда ойлар билан белгиланган муддатлар кунлар ҳисобида ифодаланиб, рўйхатдан ўтказиш муддатларини ҳисоблашда аниқликни таъминлаш ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётида турлича талқинларнинг олдини олиш назарда тутилмоқда.

Бундан ташқари миграция ва персоналлаштириш соҳасидаги давлат органларининг ваколатлари ҳамда уларнинг номланишини амалдаги ташкилий тузилмага мувофиқлаштириш мақсадида бир қатор қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартишлар киритилмоқда. Хусусан, “миграция ва фуқароликни расмийлаштириш” тушунчаси “миграция ва персоналлаштириш” тушунчасига алмаштирилиб, қонунчилик ҳужжатларида ягона ёндашув таъминланмоқда. Хусусан, қонун лойиҳасига мувофиқ, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига доир тасдиқномаларни расмийлаштириш учун Давлат хизматлари марказлари билан бир қаторда Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Миграция ва персоналлаштириш департаменти ҳамда унинг ҳудудий бошқармаларига ҳам мурожаат қилиш имконияти яратилмоқда.

Бундан ташқари қонун лойиҳаси билан миграция ва персоналлаштириш бўлинмалари фаолияти ҳамда чет эл фуқароларига меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тасдиқномаларни расмийлаштириш тартибини такомиллаштириш, шунингдек, соҳадаги давлат божларини қайта кўриб чиқиш назарда тутилмоқда.

Савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ МАТБУОТ ХИЗМАТИ

ТОҒ-КОН САНОАТИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ КЕНГАЙТИРИШ ВА ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ РЕЖАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Тақдимотда “Навоийуран” корхонасининг жорий йилдаги фаолияти ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш режалари ҳам муҳокама қилинди.

Сўнгги йилларда жаҳон бозорида уран хомашёсига талаб 15-20 фоизга ошган. 2030 йилгача эса, яна 28 фоизга ўсиши кутилмоқда.

Бундай шароитда мамлакатимизда уран қазиб олиш ҳажмини кўпайтириш, янги конларни ўзлаштириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва уран саноатини зарур ресурслар билан барқарор таъминлаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу мақсадда жорий йилда геология-қидирув ва технологик бурғилаш ишларини кенгайтириш, ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш, қўшимча сорбция қурилмаларини ишга тушириш ҳамда 250 та янги иш ўрни яратиш режалаштирилган.

Корхонанинг ишлаб чиқариш ҳажмларини оширишда зарур кимёвий реагентлар таъминоти муҳим ўрин тутади. Шу боис, маҳаллий саноат корхоналари ўртасидаги кооперацияни кучайтириш, техник олтингугурт, сульфат ва нитрат кислотасини етказиб бериш ҳажмларини кўпайтириш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан ахборот берилди.

Президентимиз ишлаб чиқаришда муқобил технологиялардан фойдаланишни кенгайтириш, 2030 йилгача сульфат кислотаси ўрнини босувчи реагентлар улушини 40 фоизга етказиш зарурлигини қайд этди.

Умуман, ушбу чора-тадбирлар ва янги ишлаб чиқариш қувватлари ҳисобига 2030 йилгача уран ишлаб чиқариш ҳажмини жорий йилдаги 7,5 минг тоннадан 15 минг тоннага, аниқланган захиралар ҳажмини эса, 200 минг тоннага етказиш режалаштирилмоқда.

Тақдимот якунида мутасаддиларга инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида амалга ошириш, корхоналарнинг минерал-хомашё базасини мустаҳкамлаш, янги технологик қувватларни ишга тушириш, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини ошириш юзасидан тегишли топшириқлар берилди.

ЎзА

Суд-ҳуқуқ соҳасида замонавий ёндашувлар бўйича халқаро мулоқот

Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академиясида "Одил судловда янги авлод: сунъий интеллект, рақамли ишонч ва суд тизимларининг кибербарқарорлиги" мавзусида ўтказилган халқаро ўқув курси якунига етди.

Халқаро ўқув курсида Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистондан келган суд тизими вакиллари, судьялар, мутахассислар ҳамда халқаро экспертлар иштирок этди. Уч кунлик дастур доирасида замонавий суд-ҳуқуқ амалиёти учун муҳим бўлган масалалар бўйича тажриба алмашилди.

Машғулотларда рақамли далиллар билан ишлаш усуллари, рақамли криминалистика, даркнет муҳити, блокчейн ва криптоактивларнинг ҳуқуқий хусусиятлари каби йўналишларга эътибор қаратилди.

Кибержиноятчиликка қарши курашиш, сунъий интеллект билан боғлиқ киберхавфларга муносабат билдириш ҳамда суд фаолиятида мазкур технологиялардан масъулият билан фойдаланиш масалалари муҳокама қилинди.

Курс якунида дастурнинг барча йўналишларида фаол қатнашган иштирокчиларга сертификатлар топширилди.

Халқаро ўқув курси суд-ҳуқуқ соҳасида рақамлаштириш ва сунъий интеллектни жорий этиш билан боғлиқ жараёнлар юзасидан халқаро тажриба алмашиш, ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда замонавий ёндашувларни муҳокама қилиш учун муҳим мулоқот майдони бўлди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

Шарҳ

Низосиз тадбиркорлик



ёки шартнома тузишда нималарга эътибор бериш керак?

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Хусусан, **“Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”**ги қонунга мувофиқ, хўжалик субъектлари ўртасидаги шартномалар қонунчилик талабларига тўлиқ жавоб бериши ва тарафларнинг манфаатларини ҳимоя қилиши керак.

Шунингдек, шартномавий низоларнинг олдини олишда ҳуқуқий экспертиза ҳам муҳим ўрин тутади. Яъни шартнома имзоланишидан олдин уни малакали ҳуқуқшунос томонидан кўриб чиқиш тавсия этилади. Бу орқали ҳужжатдаги хавфли ҳолатлар, ноаниқликлар ва қонунга зид нормалар олдиндан бартараф этилади.

Тарафлар ўртасида музокаралар жараёни ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Аксарият ҳолларда низолар тарафлар шартларни тўлиқ тушунмаганлиги ёки нотўғри англаганлиги сабабли келиб чиқади. Шунинг учун шартнома имзоланишидан олдин барча шартлар атрофлича муҳокама қилиниши ва ҳар икки томон учун тушунарли бўлиши лозим.

Амалиётда яна бир кенг тарқалган муаммо — бу оғзаки келишувлардир. Кўпчилик “ишонч” асосида айрим шартларни ёзма шаклга киритмайди. Лекин низо келиб чиққан пайтда айнан шу ҳолат катта муаммога айланади. Шу сабабли барча келишувлар шартномада ўзининг аниқ ифодасини топиши зарур.

Фикримизнинг амалий мисоллар билан давом эттирадиган бўлсак, Урганч туманлараро иқтисодий судида даъвогар “А.” масъулияти чекланган жамиятнинг (сотувчи) жавобгар “Б.” масъулияти чекланган жамиятга (харидор)нисбатан етказиб берилган маҳсулот учун 250 000 000 сўм асосий қарздорликни ундириш ҳақидаги даъво аризаси кўриб чиқилди. Тарафлар ўртасида тузилган шартномада маҳсулотнинг нархи ва тўлов муддати аниқ кўрсатилган бўлса-да, маҳсулотни топшириш-қабул қилиш тартиби ҳамда унинг сифатини текшириш шартлари аниқ ифодаланмаган.

Шартнома ижроси жараёнида “А.” масъулияти чекланган жамият маҳсулотни харидорнинг омборига олиб келгани ва ўзаро оғзаки “ишонч”га таяниб, юк хатини (ҳисобварақ-фактура ёки ишончнома) икки томонлама қонуний расмийлаштирмасдан, маҳсулотни қолдириб кетганини даъво қилган. Кейинчалик “Б.” масъулияти чекланган жамият тўловни амалга оширишдан бош тортган. Сотувчи эса, ҳақиқатан ҳам, сифатли маҳсулот етказиб берилгани ва харидор уни тўлиқ қабул қилиб олганини исботлаш учун судга шартномадан ташқари ҳеч қандай ёзма далил (икки томонлама имзоланган қабул қилиш далолатномаси ёки ишончнома) тақдим эта олмади.

Суд Иқтисодий процессуал кодекс талабларига мувофиқ, ҳар бир тараф ўз талаб ва эътирозларини ёзма далиллар билан исботлаши шартлигидан келиб чиқиб, даъвогарнинг талабини асословчи бирламчи бухгалтерия ҳужжатлари мавжуд эмаслиги сабабли сотувчининг даъвосини рад этди. Агар тарафлар шартнома тузиш жараёнида ҳар бир ҳолатни қатъий ҳужжатлаштириш шартини аниқ белгилаб, унга амал қилганларида эди, бундай оворагарчилик ва катта моддий зарарнинг олди олинган бўларди.

Албатта, шартнома имзолангач, унинг ижросини таъминлаш ҳам катта аҳамиятга эга. Фуқаролик кодексига мувофиқ, мажбуриятлар лозим даражада ва ўз вақтида бажарилиши шарт. Агар тарафлар ўз мажбуриятларини бажармаса ёки лозим даражада бажармаса, бу ҳуқуқий жавобгарликка олиб келади.

Шунингдек, шартномада жавобгарлик чораларини белгилаш низоларнинг олдини олишда самарали восита ҳисобланади. Масалан, пеня, жарима ёки зарарни қоплаш тартиблари аниқ кўрсатилса, тарафлар ўз мажбуриятларига жиддийроқ ёндашади.

Замонавий ҳуқуқий амалиётда низоларни судгача ҳал этиш механизмлари ҳам кенг қўлланилмоқда. Жумладан, музокаралар, талабнома юбориш ва медиация каби усуллар орқали низони ҳал этиш мумкин. Амалдаги **“Медиация тўғрисида”**ги қонунга мувофиқ, тарафлар низони ўзаро келишув асосида, судга мурожаат қилмасдан ҳал этиш имкониятига эга.

Амалиёт шуни кўрсатадики, иқтисодий судларда кўрилаётган ишларнинг асосий қисмини айнан шартномавий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар ташкил этади. Ушбу низоларни таҳлил қилиш натижасида уларнинг келиб чиқиш сабаблари, одатда, бир хил эканлиги аён бўлади.

Биринчи навбатда, шартнома шартларининг ноаниқ ва тўлиқ ифодаланмаганлиги энг кўп учрайдиган муаммолардан биридир. Фуқаролик кодексининг тегишли моддаларида шартномага берилган таърифдан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, шартнома тарафлар ўртасида ҳуқуқ ва мажбуриятларни аниқ белгилаб бериши лозим. Агар ушбу талаб тўлиқ таъминланмаса, низо келиб чиқиши табиий ҳолдир.

Суд амалиётида шартнома предмети, бажариш муддати ёки тўлов тартиби аниқ белгиланмаган ҳолатлар ҳам кўп учрайди. Бундай вазиятда суд, Иқтисодий процессуал кодекс талабларига мувофиқ, тарафлар тақдим этган далиллар асосида низони ҳал этади. Бироқ бу жараёнда қўшимча вақт ва ресурслар сарфланади.

Иқтисодий процессуал кодекс нормаларига кўра, ҳар бир тараф ўз талаб ва эътирозларини асословчи далилларни тақдим этиши шарт. Суд эса, ушбу далилларни холисона, ҳар томонлама ва тўлиқ баҳолайди.

Ишни ҳал қилишда энг асосий ҳужжат — шартноманинг ўзи. Демак, агар шартнома пухта ва қонун талабларига мувофиқ тузилган бўлса, низони ҳал этиш анча осон кечади. Акс ҳолда, турли талқин ва баҳслар юзага келади.

Амалиётда яна бир муҳим жиҳат бу даъвогар томонидан судгача бўлган тартибга риоя этилишидир. Иқтисодий процессуал кодексга мувофиқ, айрим тоифадаги ишлар бўйича даъво киритишдан олдин жавобгарга талабнома юбориш шарт. Афсуски, баъзан бу талабга риоя этилмаслиги сабабли даъво аризалари кўриб чиқилмасдан қолдирилади.

Бунга мисол тариқасида яқинда кўриб чиқилган қуйидаги ишни келтириш ўринлидир. Урганч туманлараро иқтисодий судида даъвогар “Г.” масъулияти чекланган жамиятнинг жавобгар “В.” масъулияти чекланган жамиятга нисбатан етказиб берилган маҳсулот учун 450 миллион сўм асосий қарз ва 80 миллион сўм пеня ундириш ҳақидаги даъво аризаси кўриб чиқилди. Тарафлар ўртасидаги шартноманинг “Низоларни ҳал этиш тартиби” бандида "Юзага келган келишмовчиликлар бўйича тарафлар судга мурожаат қилишдан олдин албатта, бир-бирларига ёзма талабнома юборишлари шарт ва уни кўриб чиқиш муддати 15 кунни ташкил этади” деб кўрсатилган.

Бироқ “В.” масъулияти чекланган жамият мутасаддилари қарздорликни тезроқ ундириш мақсадида ушбу мажбурий шартни четлаб ўтиб, жавобгарга олдиндан ёзма талабнома юбормасдан тўғридан-тўғри судга даъво аризаси киритган. Суд мажлисида жавобгар “Г.” масъулияти чекланган жамият судгача бўлган тартибда ҳеч қандай расмий талабнома келиб тушмагани ва ўзаро музокара олиб бориш имконияти берилмаганини важ қилиб кўрсатди.

Суд иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, Иқтисодий процессуал кодексининг тегишли моддаларига асосан, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада низони судгача ҳал этиш (талабнома юбориш) тартиби назарда тутилган ва унга риоя қилинмаган бўлса, суд даъво аризасини кўрмасдан қолдириши шартлигини баён қилди. Натижада, “В.” масъулияти чекланган жамиятнинг даъво аризаси кўрмасдан қолдирилди. Даъвогарнинг барибир жавобгарга қайтадан расмий талабнома юборишига, қонуний муддатларни кутишига ва судга иккинчи маротаба ариза бериш имкониятини сақлаб қолган бўлса-да, бу ҳолат тадбиркор учун бир неча ойлик ортиқча вақт ва ресурс йўқотилишига олиб келиши мумкин.

Суд амалиётида яна бир кўп учрайдиган муаммо — далиллар етишмаслигидир. Кўп ҳолларда тарафлар ўз талабларини етарлича ҳужжатлар билан тасдиқлай олмайди. Бу эса, иш натижасига бевосита таъсир кўрсатади.

Шу муносабат билан барча хўжалик юритувчи субъектларга қуйидагилар тавсия этилади: ҳар бир операцияни ҳужжатлаштириш, шартнома ижросини тегишли далолатномалар билан тасдиқлаш ва барча ёзишмаларни сақлаб қўйиш лозим.

Иқтисодий судларда ишларни кўриб чиқишда қонун устуворлиги, тарафларнинг тенглиги ва тортишув принципи таъминланади. Ҳар бир тараф ўз позициясини мустақил равишда ҳимоя қилади, суд эса, холис ҳакам сифатида қарор қабул қилади.

Хулоса қилиб айтганда, шартномавий низоларнинг олдини олиш учун ҳуқуқий маданиятни ошириш, шартнома тузишга пухта ёндашиш, қонунчилик талабларига қатъий риоя қилиш ва шартнома ижросини назорат қилиш зарур. Бу эса, нафақат низоларни камайтиради, балки иқтисодий муносабатларнинг барқарор ривожланишига ҳам хизмат қилади.

Элмурод РОЗУМБЕТОВ,
Хоразм вилояти суди иқтисодий ишлар бўйича судьяси

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Қонунда кузатув, судгача ва суд санацияси, ташқи бошқарув, келишув битими, тугатишга доир иш юритиш, шунингдек, жисмоний шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг тўловга қобилиятсизлиги тартиб-таомиллари назарда тутилган.

Президентимизнинг 2026 йил 6 майдаги «**Тўловга қобилиятсизлик институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**»ги Фармони соҳадаги ислоҳотларнинг янги босқичини белгилади. Унда халқаро стандартлар ва илғор тажрибани ҳисобга олиш, судгача санацияни ривожлантириш, истиқболли корхоналарни сақлаш, кредиторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, рақамли технологиялардан фойдаланиш ва давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш вазифалари белгиланган.

Бу мақсадларга эришиш қонунчиликни такомиллаштириш билан бирга, уни судлар томонидан тўғри ва бир хил қўллашга ҳам боғлиқ. Шу жиҳатдан, 2026 йилда «Академнашр» нашриётида чоп этилган **«Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида»**ги қонунга шарҳ муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

2026 йил 26–27 октябрь кунлари Олий суд, Осиё тараққиёт банки ва Конрад Аденауэр жамғармаси ҳамкорлигида қонунга шарҳ китобининг тақдимоти, судьялар даврa суҳбати ва жамоатчилик муҳокамаси ўтказилди. Уларда қонун нормаларини қўллашда суд назорати, иш қўзғатиш, санация, бизнесни сақлаш ва қарздор фаолиятини қайта тиклаш механизмлари, шунингдек, иқтисодий судлар амалиётидаги муаммо ва ҳуқуқий ноаниқликлар муҳокама қилинди.

ҚОНУНГА ШАРҲ: НАЗАРИЯ ВА СУД АМАЛИЁТИНИ БОҒЛОВЧИ МАНБА

Қонун нормаларини тўғри англаш учун уларни алоҳида эмас, Конституция, Фуқаролик, Иқтисодий процессуал, Солиқ ва Меҳнат кодекслари ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан узвий боғлиқ ҳолда талқин қилиш зарур. Чунки тўловга қобилиятсизлик ишида мулкий, шартномавий, меҳнат, солиқ ва процессуал масалалар бир-бирига туташади.

Шарҳнинг аҳамияти шундаки, унда қонуннинг 17 боби моддама-модда таҳлил қилиниб, нормаларнинг мазмуни ва уларни қўллашдаги мураккаб масалалар очиб берилган.

Шарҳда миллий қонунчилик ва суд амалиёти билан бирга, БМТнинг Халқаро савдо ҳуқуқи бўйича комиссияси (UNCITRAL) ҳужжатлари ва халқаро ёндашувлар ҳам ҳисобга олинган. Қиёсий таҳлил миллий ҳуқуқни халқаро стандартларга уйғунлаштириш ва ислоҳотлар бўйича асосланган таклифлар ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Шарҳ судьялардан ташқари суд бошқарувчилари, адвокатлар, прокурорлар, тадбиркорлар, кредиторлар, қарздорлар, давлат органлари ходимлари, профессор-ўқитувчилар ва талабалар учун ҳам амалий аҳамиятга эга.

ЯГОНА СУД АМАЛИЁТИ ВА САМАРАЛИ СУД НАЗОРАТИ

Тўловга қобилиятсизлик ишларида суд назорати тартиб-таомилнинг қонунийлиги, шаффофлиги ва иштирокчилар ҳуқуқларининг кафолатидир. Суд кредиторлар талабларини ҳам, қарздорнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳам ҳимоя қилиши, тарафларга асоссиз устунлик бермасдан далилларни холис баҳолаши ва процессуал кафолатларга риоя этиши лозим.

Ишни қўзғатишда қарздорнинг ҳақиқий молиявий ҳолати, ариза асослари, пул мажбуриятлари ва кредиторлар талаблари комплекс баҳоланиши керак. Суд ҳужжатида фактик ва ҳуқуқий асосларнинг очиб берилиши тарафларга хулосани англаш ва қонундаги тартибда баҳслашиш, шунингдек, ўхшаш ишлар бўйича барқарор амалиёт шаклланишига ёрдам беради.

Қонуннинг 12-моддасига кўра, тартиб-таомиллар қўлланилганда кредиторларнинг умумий манфаатларини кредиторлар йиғилиши ёки қўмитаси ҳимоя қилади. Иш қўзғатиш ҳақидаги ариза қабул қилингач, қонундаги истиснолардан ташқари кредиторларнинг талабларини якка тартибда қаноатлантиришга интилишига йўл қўйилмайди. Бу умумий манфаат ва кредиторлар тенглигини таъминлайди.



Олий суд Пленумининг 2025 йил 23 июндаги 13-сон қарори иқтисодий судлар томонидан қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалаларини тушунтиради. Қонун, процессуал қоидалар ва суд тушунтиришларини уйғун қўллаш ўхшаш вазиятларда фарқли қарорлар қабул қилиниши хавфини камайтиради.

ТУГАТИШГА ДОИР ИШ ЮРИТИШ: 11-БОБНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ

Қонуннинг 11-боби 140–160-моддаларни қамраб олиб, қарздор банкрот деб топилганидан кейинги жараённи: тугатиш ишини бошлаш, мол-мулкни аниқлаш ва баҳолаш, активларни реализация қилиш, кредиторлар талабларини қаноатлантириш ҳамда ишни якунлашни тартибга солади.

Ушбу бобнинг моҳияти корхонани тугатиш билангина чекланмайди. У қарздор активларидан қонуний ва самарали фойдаланиш, мол-мулкнинг асоссиз камайишига йўл қўймаслик, кредиторлар ҳуқуқларини мутаносиб ҳимоя қилиш ва манфаатдор шахслар учун аниқ тартибни таъминлашга қаратилган. Шу боис суд назорати, тугатиш бошқарувчисининг ваколатлари ва ҳисобдорлиги, мол-мулкни баҳолаш ҳамда сотиш ўзаро боғлиқ механизмлардир.

Қонуннинг 140-моддасига мувофиқ, қарздорни банкрот деб топиш ҳақидаги суд қарори тугатиш ишини бошлашга асос бўлади. Умумий муддат 12 ойдан ошмаслиги, қонундаги асослар мавжуд бўлса, суд томонидан кўпи билан уч ойга узайтирилиши мумкин. Бу талаб жараённинг чўзилишини чеклаш, активлар қийматини сақлаш ва кредиторлар талабларини ўз вақтида кўриб чиқишга хизмат қилади.

Тугатишда қарздорнинг мол-мулки ва мулкий ҳуқуқлари тўлиқ аниқланиши, ҳуқуқий мақоми текширилиши, активлар сақланиши ва объектив баҳоланиши шарт. Активларни ҳисобга олмаслик, асоссиз баҳолаш ёки реализациянинг етарлича очиқ бўлмаслиги кредиторлар манфаатларига зарар етказиши мумкин.

Тугатиш бошқарувчиси касбий мустақиллик, ҳалоллик ва ҳисобдорлик асосида иш юритиши лозим. Унинг ҳаракатлари ҳужжатлар билан асосланиши, мол-мулк ва материаллар белгиланган тартибда қабул қилиниши, активлар ҳақидаги маълумотлар сақланиши ва кредиторларга ахборот берилиши керак. Суд бошқарувчи ҳисоботларини баҳолаб, зарур ҳолларда камчиликларни бартараф этиш чораларини кўради.

Кредиторлар талабларини қаноатлантиришда қонундаги навбатга риоя этиш муҳим кафолатдир. Айрим кредиторларга асоссиз имтиёз бериш бошқаларнинг ҳуқуқларини бузиши мумкин. Шунинг учун талабларни реестрга киритиш, асослилигини текшириш ва ҳисоб-китобларни амалга ошириш шаффоф бўлиши шарт.

Тугатиш якунида активларнинг аниқланиши, баҳоланиши ва сотилиши, тушумнинг тақсимланиши, кредиторлар талабларининг қаноатлантирилиши ҳамда қоидабузарликлар бартараф этилгани ҳуқуқий ва иқтисодий жиҳатдан асослантирилиши лозим. Бу суд назоратини мазмунан кучайтиради ва тугатиш жараёнига ишончни оширади.

ТУГАТИШ ВА РЕАБИЛИТАЦИЯ: МАҚСАД — ИҚТИСОДИЙ ҚИЙМАТНИ САҚЛАШ

Қонунчиликда тугатиш билан бирга қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш механизмлари ҳам белгиланган. Судгача санация, суд санацияси, ташқи бошқарув ва келишув битими иқтисодий жиҳатдан ҳаётий корхоналарни молиявий соғломлаштиришга хизмат қилади.

Қарздорликнинг мавжудлиги корхонани дарҳол тугатишни англатмайди. Қарорда молиявий ҳолат, актив ва мажбуриятлар, ишлаб чиқариш салоҳияти, бозордаги ўрин, тикланиш имконияти ва кредиторлар манфаатлари холис баҳоланиши керак. Реал иқтисодий-ҳуқуқий имконият бўлса, реабилитация механизмларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Реабилитация мажбуриятларни асоссиз кечиктириш ёки кредиторлар талабларини эътиборсиз қолдириш воситасига айланмаслиги лозим. Унинг муваффақияти ишончли молиявий ахборот, амалий тикланиш режаси, тарафлар ҳамкорлиги ва қонун талабларига риоя этилишига боғлиқ.

Корхонанинг иқтисодий истиқболи бўлмаса, тугатиш қонуний ва самарали ўтказилиши, активлар сақланиб, оқилона реализация қилиниши ва тушум кредиторлар ўртасида қонундаги тартибда тақсимланиши зарур.

АМАЛИЁТНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Қонун ва шарҳ самарасини ошириш учун қуйидаги амалий йўналишларга эътибор қаратиш лозим:

Биринчидан, иқтисодий судлар амалиётидаги мураккаб масалаларни мунтазам умумлаштириб, қонуний ва асосланган ёндашувларни шакллантириш зарур. Бу қонунни бир хил қўллаш ва ҳуқуқий ноаниқликларни камайтиришга хизмат қилади.

Иккинчидан, суд бошқарувчиларининг касбий тайёргарлиги ва масъулиятини ошириш муҳим. Активларни аниқлаш, баҳолаш, сақлаш ва сотиш, кредиторлар билан ҳисоб-китоб ҳамда судга ҳисобот бериш бўйича амалий ўқувлар мунтазам ўтказилиши лозим.

Учинчидан, кредиторлар ва қарздорлар учун ахборот очиқлиги ва тушунарлилигини ошириш керак. Қонун талаблари, процессуал муддатлар, талабларни билдириш тартиби ва бошқарувчи ҳаракатлари ҳақида ишончли ахборот иштирокчилар ҳуқуқларини амалга оширишга ёрдам беради.

Тўртинчидан, рақамли технологиялар маълумот алмашиш, ҳужжатлар ҳаракатини кузатиш ва жараёнлар шаффофлигини оширишга хизмат қилади. Бунда ахборот хавфсизлиги, маълумотлар ишончлилиги ва иштирокчилар ҳуқуқлари таъминланиши шарт.

Бешинчидан, судьялар, суд бошқарувчилари, адвокатлар, давлат органлари ва илмий жамоатчилик ўртасида мунтазам мулоқот зарур. Қонунга шарҳ каби илмий-амалий нашрлар умумий ҳуқуқий асос яратади; амалиётдаги янги масалаларни таҳлил этиб, зарур ҳолларда қонунчиликни такомиллаштириш таклифларини ишлаб чиқиш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, тўловга қобилиятсизлик институти самарадорлиги қонун нормаларига судлар ва бошқа ҳуқуқни қўлловчи субъектлар томонидан тўғри ва изчил риоя этилишига ҳам боғлиқ. Қонун ва Фармондаги вазифалар қарздор, кредитор ва давлат манфаатлари мувозанатини таъминлаш, истиқболли корхоналарни сақлаш ва ҳуқуқий тартиб-таомилларни самарали ташкил этишга хизмат қилади.

Энг асосий мезон — жараён натижасини фақат ишнинг тугатилиши билан эмас, қонунийлик, шаффофлик, ҳуқуқлар ҳимояси ва иқтисодий самарадорлик даражаси билан баҳолашдир. Қонунга асосланган ягона суд амалиёти ва профессионал ҳамкорлик ана шу мақсадга хизмат қилади.

Қонун кўмаги



◀ (Бошланиши 1-бетда)

Ўз навбатида, Оила кодексининг 65-моддасида белгиланган боланинг оилада яшаши, тарбияланиши, ота-онасининг ғамхўрлигидан фойдаланиши ва инсоний қадр-қимматининг ҳурмат қилинишига бўлган ҳуқуқлари унинг оилавий муносабатлардаги ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлайди.

Шу ўринда фикрларимизни бир ҳаётий мисол асосида давом эттирамиз. Тўрақўрғон туманида яшовчи Анвар Юнусов ва Нодирахон Сайдалиева (исм-шарифлар ўзгартирилди) 2012 йил 12 октябрда қонуний никоҳдан ўтиб, турмуш қуришган. Натижада бирин-кетин 3 нафар фарзанд кўришади: 2013 йил 23 августда қизлари Мухтасар, 2015 йил 2 июлда ўғиллари Акбаржон ва 2021 йил 22 декабрда кенжатойлари Муҳаммадсодиқ туғилади.

Ўшанда уларга ҳамманинг ҳаваси келарди. Аммо орадан кўп ўтмай оиланинг тотувлигига кўз тегади. Эр-хотин тез-тез жанжаллашадиган бўлиб қолади. Оиладаги нотинчлик болаларнинг кайфияти ва руҳиятига ҳам салбий таъсирини ўтказгани шубҳасиз.

Ана шуларни ўйлаган Нодира Сайдалиева 2024 йилда ота-онасиникига кетиб қолади, бироқ А.Юнусов ўғилларини ўзида олиб қолади. Мухтасар эса, онаси билан кетади.

Одатда, она ўз фарзандларини жуда тез соғинади. Шу маънода, Н.Сайдалиева ҳам кўп ўтмай Акбаржон ва Муҳаммадсодиқни соғина бошлайди. Қолаверса, уларнинг аҳволидан ташвишланади ҳам. Чунки отаси фарзандларининг кўз ўнгида спиртли ичимлик истеъмол қилиб, маст ҳолатда уларни ранжитишини аёл яхши биларди. Лекин А.Юнусов болаларини хотинига кўрсатмайди.

Хуллас, бояқиш она ҳар қанча ҳаракат қилмасин, эрининг қаршилигига дуч келаверади. Охир-оқибат Нодира Сайдалиева қонун кўмагига таяниб, иш тутади.

Бош Қомусимизнинг 55-моддасига кўра, ҳар кимга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланган. Шу боис Н.Сайдалиева фуқаролик ишлари бўйича Чуст туманлараро судига даъво аризаси киритиб, ўғилларини ўзининг тарбиясига олиб беришни сўрайди.

Оила кодексининг 71-моддасига асосан, ота-она ўз болаларига нисбатан тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадирлар. Кодекснинг 75-моддасига мувофиқ эса, ота-она алоҳида яшаганда болаларнинг қаерда яшаши ота-онанинг келишувига биноан белгиланади. Агар ота-она ўртасида келишув бўлмаса, низо суд томонидан болалар манфаатларидан келиб чиқиб, уларнинг фикрини ҳисобга олган ҳолда ҳал этилади.

Бунда суд боланинг ота-онадан, ака-ука, опа-сингилларидан қайси бирига боғланиб қолганлигини, боланинг ёшини, ота-онасининг ахлоқий ва бошқа шахсий фазилатларини, ота-онанинг ҳар бири билан бола ўртасидаги муносабатларни, болани тарбиялаш ва унинг камолоти учун шарт-шароитлар яратиш имкониятини ҳисобга олади.

Бундан ташқари мутахассис сифатида ишга жалб қилинган психолог Г. Ҳамиджонова болалар онасини соғинганлиги, кўз ёшларини ошкора намоён этишдан қўрқаётганлиги, болаларни онанинг қарамоғига қайтариш мақсадга мувофиқлиги ҳақида хулоса берган. Шу асосларга таянган суд Нодирахон Сайдалиеванинг даъвосини қаноатлантириб, вояга етмаган фарзандлари Акбаржон ва Муҳаммадсодиқ Шерматжоновларни отаси А. Юнусовдан онасининг тарбиясига олиб бериш хусусида ҳал қилув қарори қабул қилди.

Албатта, тилга олинган ҳолат боланинг энг устун манфаатлари сирасига киради. Айни тушунча бола ҳуқуқлари тизимининг асосий тамойилидир. Бу эса, болага тааллуқли қарорлар қабул қилишда унинг ҳуқуқлари, хавфсизлиги, ривожланиши ва индивидуал эҳтиёжларига устувор аҳамият берилишини англатади.

Мамлакатимизда айни масалага жиддий эътибор қаратилмоқда. Шу йилнинг 14 октябрь куни Президентимиз томонидан имзоланган **“Болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”**ги қонун ҳам бу борада муҳим қадам бўлди.

Мазкур қонун асосида болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимояси янада кучайтирилиб, уларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш, процессуал ҳаракатлар жараёнларида уларнинг малакали юридик ёрдам олиш имкониятини таъминлаш механизмлари такомиллаштирилди. Болага нисбатан зўравонлик ва унинг ўлимига сабаб бўлган жиноий қилмишлар учун жавобгарлик чоралари ҳам кучайтирилди.

Хулоса ўрнида айтганда, фуқаролик ишлари бўйича судларда бола тарбияси ва уларнинг тақдири билан боғлиқ низоларни кўриб чиқишда, энг аввало, боланинг устун манфаатлари асосий мезон бўлиб хизмат қилиши шарт. Зеро, давлатимиз томонидан қабул қилинаётган янги қонун ҳужжатлари ҳам болага нисбатан ҳар қандай шаклдаги зўравонлик ва бепарволикнинг олдини олишга, уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини мустаҳкамлашга қаратилган. Оилавий келишмовчиликлар гирдобида вояга етаётган фарзандларимизнинг руҳий ва жисмоний соғломлигини асраш, уларни жамиятнинг тўлақонли аъзоси этиб тарбиялаш нафақат суд органларининг, балки ҳар бир ота-она ва бутун жамиятнинг энг олий бурчидир.

Дилрабо ЮЛДАШЕВА,
фуқаролик ишлари бўйича Чуст туманлараро суди судьяси

Жиноят ва жазо

Ота кечирими



Донишмандлар айтадики, ҳаёт — буюк муаллим. Ҳақиқатан ҳам, инсон ҳаётдан ибрат олиб, умргузаронлик қилади. Бинобарин, баъзан шундай саволларга дуч келинади: ота билан фарзанд ўртасидаги ришталарни қайси мезон билан ўлчаш мумкин?

Бу ришталарнинг қадри, эҳтимол, уларга дарз кетганида, қалблар орасига ранжиш аломатлари тушганида ёки бир лаҳзалик ғазаб йиллар давомида асраб келинган меҳрга соя солганида янада чуқурроқ англашилади. Халқимиз «Ота рози — худо рози», деган ҳикматли мақолни бежиз айтмайди.

Тошкент туманида содир бўлган бир оилавий можаро ана шу ҳақиқатни яна бир бор тасдиқлади. Суд ҳужжатларида аниқланишича, 2026 йил 28 май куни соат 20:40 атрофида Раҳим Арслонов (исм-шарифлар ўзгартирилди) яшаш хонадонида отаси Ашур Абдувалиев билан ўзаро келишмовчиликка бориб қолган.

Можаро оқибатида у ҳовлида турган белкуракни қўлига олиб, отасининг бош ва елка қисмларига бир неча марта зарба берган. Суд-тиббий экспертизаси хулосасига кўра, бунинг оқибатида жабрланувчи енгил тан жароҳати олган.

Биринчи инстанция суди Раҳим Арслоновни Жиноят кодексининг 109-моддаси 2-қисми «в» банди билан айбдор деб топиб, унга нисбатан бир йил озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаган. Бироқ жабрланувчи, яъни зўравон ўғилнинг отаси Ашур Абдувалиев апелляция шикояти билан мурожаат қилиб, судланувчи унинг фарзанди эканини, уни кечирганини ва унга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўраган.

(Давоми 4-бетда) ▶

Мутолаа эҳтиёжи

Адолатни англаш учун тафаккур ҳам юксалмоғи керак

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Мен учун китоб билан мулоқотнинг энг самарали палласи — эрта тонг. Куннинг шовқин-сурони бошланмасдан сокинлик, янги куннинг илк дақиқалари ва қўлдаги китоб... Мана шу мутолаанинг ўзгача завқи бор. Айрим саҳифаларни шошилмасдан ўқийсан, баъзи жумлалар устида тўхтаб қоласан. Бир фикр иккинчисини уйғотади, бир қаҳрамон тақдири эса, бутунлай бошқа ҳаётий манзараларни кўз олдингга келтиради. Баъзан китобдаги бир воқеа кун давомида кўриб чиқиладиган ишларга, одамларнинг хатти-ҳаракатларига бошқача нигоҳ билан қарашга ундайди. Албатта, судьянинг хулосаси фақат қонун ва иш материалларига асосланади. Аммо кенг дунёқараш, ҳаётий тажриба ва инсон руҳиятини англаш қобилияти адолатли қарор қабул қилишда муҳим маънавий таянч бўлиб қолаверади.

Китоб жавонимда ўзбек жадидларининг ҳаёти ва маърифий меросига бағишланган асарлар алоҳида ўрин тутади. Тарихни ўқирканман, бот-бот хаёлимдаги саволга жавоб излайвераман: қандай қилиб, бир авлод шунчалик оғир ва мураккаб даврда миллатнинг эртанги куни учун бунчалик катта масъулиятни ўз зиммасига олган?

Улар учун китоб оддий қоғоз ва саҳифалардан иборат эмас, балки миллатни уйғотиш, жаҳолатни енгиш ва келажакни ўзгартириш воситаси эканлигига амин бўламан.



Жадид боболаримизнинг маърифат йўлидаги жасорати, илмни миллат озодлиги ва тараққиётининг асосий шарти деб билгани бугун ҳам ўқувчини бефарқ қолдирмайди. Уларнинг асарлари ва ҳаёт йўли беихтиёр инсоннинг ўз даври олдидаги бурчи, виждони ва масъулияти ҳақида янада чуқурроқ ўйлашга мажбур қилади.

Детектив жанридаги асарларнинг ўзига хослиги — қизиқишларимга сабаб. Муаллиф ўқувчини воқеалар оқимига шунчаки эргаштирмайди, балки уни ҳам изланувчига айлантиради. Бу — ҳақиқий иқтидор! Ҳар бир тафсилот, ҳар бир қаҳрамоннинг хатти-ҳаракатлари, ҳатто дастлаб аҳамиятсиздек кўринган биргина ишора ҳам кейинчалик муҳим маъно касб этиши мумкин. Мана шу айнан бизнинг фаолиятимизга уйғун, дея оламан.

Айтайлик, Фёдор Достоевскийнинг "Жиноят ва жазо" асарини мутолаа қилар эканман, инсоннинг биргина қарори унинг бутун ҳаётига қандай таъсир кўрсатиши, виждон билан нафс, хатти-ҳаракат билан унинг оқибати ўртасида қандай мураккаб боғлиқлик борлиги ҳақида ўйлайман. Романдаги воқеалардан кўра, қаҳрамоннинг ички кечинмалари, ўз қилмиши билан юзма-юз келиши ва руҳий зиддиятлари кишини кўпроқ мулоҳазага чорлайди.

Агата Кристи асарларида эса, сирли воқеалар занжири, кутилмаган бурилишлар ва майда тафсилотларга яшириниган ҳақиқат ўқувчини охирги саҳифагача ўзига ром этади. Уларни ўқиганимда, баъзан муаллифнинг воқеаларни қуриш маҳоратига, баъзан



эса, инсон табиатини шунчалик нозик илғай олишига қойил қоламан.

Детектив асарлар менга бир жиҳатни қайта-қайта эслатади: ҳақиқат кўпинча биринчи қарашда кўринганидек оддий бўлмайди. Англаш учун шошмаслик, ҳар бир тафсилотга эътибор қаратиш ва воқеаларга турли нуқтаи назардан ёндашиш лозим. Бу жиҳатлар судьялик фаолиятида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Зеро, судда ҳам дастлабки тасаввурга эмас, пухта ўрганилган далиллар, қонуний асослар ва холис таҳлилга таянилади.

Назаримда, яхши китобнинг энг катта фазилати — уни ёпганингиздан кейин ҳам сиз билан қолишида. Айрим асарлардан янги маълумот оласиз, айримларидан ҳаётий сабоқ чиқарасиз, баъзилари эса, ўзингизга, фаолиятингизга ва атрофингиздаги инсонларга бошқача назар билан қарашга ундайди.

Судьялик минбарида ўтирган инсон учун ҳам мутолаанинг ана шу жиҳати жуда муҳим. Чунки адолат фақат қонунни билиш билан эмас, уни тўғри англаш, ҳар бир ҳолатга холис ёндашиш ва масъулиятни чуқур ҳис этиш билан қарор топади.

Демак, китоб мен учун касбий фаолиятдан узилган алоҳида машғулот эмас. Аксинча, у фикрларимни бойитадиган, дунёқарашимни кенгайтирадиган, инсон ва жамият ҳақидаги тасаввурларимни теранлаштирадиган маънавий мактабдир.

Ишонч билан айта оламан, судья ҳар куни қонун китобини очади. Аммо унинг тафаккури, ҳаётни англаши ва инсон қалбини тушуниш қобилияти бошқа китоблар, хусусан, бадиий асарлар орқали ҳам бойиб бориши шарт. Қонун адолатнинг ҳуқуқий мезони бўлса, китоб инсонни шу адолатнинг маънавий моҳиятини англашга етаклайди.

Адҳамжон МИРЗАЕВ,
Андижон вилояти суди раиси

Жиноят ва жазо

Ота кечирими

ёхуд бир умрлик пушаймон ва инсонпарварликка йўғрилган адолат

◀ (Бошланиши 3-бетда)

Албатта, бу ўринда отанинг бу илтимосида фақат ота меҳри эмас, балки инсон қалбининг кечиришга қодирлиги, оилавий ришталарнинг қадри ва фарзанд тақдири учун масъулият ҳисси мужассам, десак, муболаға бўлмайди. Қолаверса, отанинг илтимоси — нафақат судга йўлланган мурожаат, балки фарзандининг виждонига қаратилган маънавий даъват ҳамдир.

Шунга кўра, апелляция инстанцияси суди иш материалларини қайта кўриб чиқиб, биринчи инстанция ҳукмини ўзгартириш учун асослар бор, деган хулосага келди. Хусусан, судланувчининг ўз айбига тўлиқ иқрор бўлгани, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, содир этган ҳаракатининг оқибатини англаб етгани, ёшлиги, муқаддам судланмагани, оилавий аҳволи ҳамда жабрланувчининг унга нисбатан даъвоси йўқлиги ва жазони енгиллаштириш ҳақидаги илтимоси инобатга олинди.

Шунингдек, суд жиноят қонунчилигида белгиланган инсонпарварлик ва адолат тамойилларига таянди. Жумладан, Жиноят кодексининг 7 ва 8-моддалари мазмунига кўра, жазо шахсни ахлоқан тузатиш ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўлиши, содир этилган қилмишнинг хусусияти, оғир-енгиллиги ва айбдор шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ келиши лозим.

Шу асосда апелляция инстанцияси суди Раҳим Арслоновга нисбатан бир йил озодликни чеклаш жазосини тайинлади. Судланувчининг 2026 йил 7 сентябрдан 20 октябрга қадар қамоқда сақланган 43 куни жазо муддатига ҳисобланиб, чегириб ташланди. Натижада ўташ учун 10 ой 17 кун озодликни чеклаш жазоси қолдирилди.

Суд қарорига мувофиқ, судланувчининг зиммасига кўнгилочар жойларга бормаслик, жиноятга мойил шахслар билан алоқа ўрнатмаслик, алкоголли ичимликлар ва бошқа тақиқланган моддаларни истеъмол қилмаслик, назорат қилувчи орган розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик ҳамда Тошкент шаҳар ва вилояти ҳудудидан ташқарига чиқмаслик сингари бир қатор мажбурият ва тақиқлар ҳам юклатилди.

Содда қилиб айтганда, суднинг қарори жазосиз қолдириш эмас, балки жазо турини ўзгартириш, айни пайтда шахсни назорат остида тузалишга йўналтиришдан иборат бўлди. Судланувчига берилган бу имкониятнинг моҳияти ҳам шунда: у ўз хатосини англаши, жамият олдидаги



масъулиятини ҳис қилиши ва келгусида бундай қилмишга йўл қўймаслиги керак.

Зеро, адолат фақат жазонинг оғирлиги билан ўлчанмайди. Адолат — қилмишга муносиб ҳуқуқий баҳо бериш, айбдорнинг шахсини ва ишдаги барча ҳолатларни ҳисобга олиш, жамият хавфсизлигини таъминлаш билан бирга инсоннинг тузалиш имкониятини ҳам эътибордан четда қолдирмасликдир.

Шу боис инсонпарварлик қонуннинг маънавий қудратини намоён этади, бироқ бу фазилат судланувчини масъулиятдан озод қилмайди. Яъни кечирим унга имконият бериши мумкин, лекин бу имкониятни оқлаш учун унинг ўзи ҳам ҳаракат қилиши шарт.

Фикримизча, мазкур воқеадан чиқариладиган сабоқ фақат фарзанднинг отага қўл кўтариши билан чекланмайди. У ҳар бир оила аъзосини ўзаро мулоқот маданияти, сабр-тоқат, низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш ва бир-бирининг қадрига етиш ҳақида ўйлашга ундайди. Чиндан ҳам, башарти, қайсидир оилада келишмовчилик пайдо бўлса, унинг ечими бор: дилдан суҳбатлашиш, ўзаро маслаҳатлашиш, яқинлар ёрдамига мурожаат қилиш, зарур бўлса, мутахассислар кўмагидан фойдаланиш мумкин. Аммо зўравонлик ҳеч қачон муаммони ҳал қилмайди, аксинча, у янги муаммоларни туғдиради, ўртадаги ишончни емириб, қалбларда оғриқ қолдиради.

Раҳим Арслоновнинг иши ҳам бир оила доирасидаги воқеа эмас, балки жамият учун огоҳлантирувчи сабоқдир. Зеро, фарзандни фақат моддий жиҳатдан таъминлаш эмас, балки уни ҳиссиётларини бошқаришга, низоларни маданиятли ҳал этишга, катталарга ҳурмат ва кичикларга меҳр кўрсатишга ўргатиш ҳам тарбиянинг муҳим вазифаларидан саналади.

Бу ҳаётий воқеадан чиқадиган энг муҳим хулоса шуки, оиладаги меҳр-оқибатни асраш, ғазабни ақл билан енгиш, инсон қадрини улуғлаш ва адолатга ҳурмат билан муносабатда бўлиш — ҳар биримизнинг бурчимиз. Чунки отага ҳурмат — фақат фарзандлик бурчи эмас, инсонийлик мезонидир.

Мухтасар айтганда, кечирим — фақат ота қалбининг саховати эмас, фарзанд учун катта масъулият ҳамдир. Адолат эса, фақат жазолаш эмас, инсонни тўғри йўлга қайтаришга хизмат қилувчи маънавий ва ҳуқуқий мезон.

Шундай экан, инсоннинг инсонлиги жамиятда хатосиз яшашида эмас, балки билиб-билмай йўл қўйган хатосини англаб, ундан тўғри хулоса чиқаришида ҳам яққол намоён бўлади. Буни ҳеч ким ҳеч қачон эсдан чиқармаслиги лозим.

Зафар БОБОНОВ,
Тошкент вилояти суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати судьяси

Мулоқот

Савол беринг, жавоб берамиз

— Отам 2025 йил вафот этдилар. Айни дамда биз яшаётган ўзларининг номидаги уйни 2024 йилда жиянига нотариал тасдиқланган васиятнома асосида мерос қилиб қолдирдилар. Мен биринчи гуруҳ ногиронман. Айтинг-чи, отамнинг мулкига мен ҳам меросхўр бўла оламанми?

Бахтигул ЎСАРОВА,
Фарғона вилояти



— Сизнинг саволингизга жавобан шуни айтиш керакки, амалдаги Фуқаролик кодексининг 1142-моддаси 1-қисмига мувофиқ, мерос қолдирувчининг вояга етмаган ёки меҳнатга қобилиятсиз болалари, шу жумладан, фарзандликка олган болалари, шунингдек, меҳнатга қобилиятсиз эри (хотини) ва ота-онаси, шу жумладан, уни фарзандликка олганлар, васиятноманинг мазмунидан қатъи назар, қонун бўйича ворис бўлганларида улардан ҳар бирига тегиши лозим бўлганидан улушнинг камида ярмини (мажбурий улуш) мерос қилиб оладилар.

Юқоридаги ҳолатда, гарчи, отангиз мерос мулкини васиятнома асосида жиянига қолдирган бўлса-да, сиз Фуқаролик кодексининг 1142-моддасига асосан, отангиздан қолган мерос мулкига, биринчи гуруҳ ногирони бўлганингиз сабабли, меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эгасиз. Бунда сиз ўзингизга тегиши лозим бўлган улушнинг камида ярмини (мажбурий улуш) мерос қилиб олиш ҳуқуқига эгасиз.

— Турмуш ўртоғимга суд ҳукми билан 4 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Мен турмуш ўртоғим билан қонуний никоҳдан ажрашиш мақсадида фуқаролик судига даъво ариза билан мурожаат қилмоқчиман. Мазкур ҳолатда қанча миқдорда давлат божи тўлайман?

Дилдора СУЮНОВА,
Пискент тумани



— Амалдаги Оила кодексининг 43-моддасига мувофиқ, турмуш ўртоғингиз суд ҳукми билан 4 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган бўлса, сиз никоҳдан суд тартибида эмас, балки ФҲДЁ органи орқали бир томонлама ажрашишингиз мумкин. Чунки турмуш ўртоғингиз 3 йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган.

Агар ФҲДЁ органи томонидан аризангиз рад қилиниб, судга мурожаат қиладиган бўлсангиз, 2020 йил 6 январдаги **“Давлат божи тўғрисида”**ги қонуннинг иловаси 1-банд “д” кичик бандига мувофиқ, камида 3 йилга озодликдан маҳрум қилинган шахс билан никоҳни бекор қилиш ҳақидаги даъво аризаси учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 фоизи миқдорида давлат божи ундирилади.

2026 йил 1 сентябрдан базавий ҳисоблаш миқдорининг 440 минг сўм бўлганлиги сабабли судга даъво аризаси берилганда тўланадиган давлат божи миқдори 440 000*2%=8 минг 800 сўмни ташкил этади.



Саволларга Одил судлов академиясининг Фуқаролик ҳуқуқи йўналиши бўйича тингловчиси Алимардон Аюбов жавоб берди.

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Робахон МАХМУДОВА
Алишер УСМАНОВ
Акрам ШУКУРОВ
Шуҳрат ПОЛВАНОВ
Маликахон ҚАЛАНДАРОВА
Холмўмин ЁДГОРОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Абдуҳалим ХОЛМАХМАТОВ
Замира ЭСАНОВА
Бобомурод РАЙИМОВ

Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзилимиз: 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, 6-уй, Тел.: 71 273-72-29 E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.
Буюртма: Г-1115 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ.
Сотувда эркин нархда. Адади: 3210
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 21^{00}. Топширилди: 22^{20}.